

2010-4-сон

Судланувчиларнинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 11 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2005 йил 25 ноябрдаги ҳукмига асосан П. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и», «п» бандлари, 273-моддаси 5-қисми, 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

М. Жиноят кодексининг 28,97-моддаси 2-қисми «и», «п», 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Суд ҳукмига кўра П. 2003 йилда Россия Федерациясининг Смоленск шаҳридан келган “Степан” исмли шахс билан қонунга хилоф равишда кўп миқдорда гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш ва кейинчалик ўтказиш ҳақида жиноий тил бириктирган. Ушбу мақсадга эришиш учун П. Тожикистон Республикаси фуқароси А.дан 500 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини 6000 АҚШ долларига сотиб олиб, ушбу гиёҳвандлик воситасини “Степан” исмли шахс орқали Смоленск шаҳрига етказган. Кейинчалик А.дан сотиб олинган гиёҳвандлик воситасининг таркибида “демидрол” порошоги борлиги ҳақида хабар келгач, П. уларни А. алдаганлиги сабабли ундан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун берган 6000 АҚШ долларидан 3000 АҚШ долларини қайтариб беришни бир неча марта талаб қилган. А. унинг гапига ишонмасдан пулларни “Степан” келса, унга қайтариб беришини айтган.

Шундан сўнг П. М.га А.нинг уйига бостириб кириб, уни ўлдириб, мол-мулкини босқинчилик йўли билан эгаллаш мақсадини айтган. М. унинг таклифига рози бўлгач, ушбу режани амалга ошириш мақсадида П. 2005 йил

21 июлга ўтар кечаси пичоқ билан қуролланиб, М. билан бирга А.нинг уйига келган. М. А.га хонадон эшигини очтиргач, П. А.нинг хонадонига бостириб кириб, унга ҳужум қилиб, уни бир неча марта уриб, бўйин қисмига пичоқни тираб, гиёҳвандлик воситаси сотиб олиш учун берган 6000 АҚШ долларидан 3000 АҚШ долларини қайтариб беришини талаб қилган. А. унинг талабига кўнмагандан сўнг П. унинг бўйнини арқон билан бўғиб, пичоқ билан кесиб, қасддан ўлдириб, М. билан А.га тегишли 100 АҚШ доллари, 200.000 сўм пул ва пластик карточкаларни эгаллаб, воқеа жойидан яширинган.

Суд П. ва М. А.ни таъмагирлик ниятида қасддан ўлдирганлиги ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, аммо уларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми “п” банди билан квалификация қилишда хатога йўл қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 20-бандида, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми “п” банди билан квалификация қилиниши;

— қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 28, 97-моддаси тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Бироқ иш бўйича Олий суд Пленуми қарорининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши ҳужжатларидан кўринишича, П. муқаддам А.дан 6000 АҚШ долларига гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, Россия Федерациясининг Смоленск шаҳридан келган “Степан” исмли шахсга берган. Кейинчалик гиёҳвандлик воситасининг таркибида “демидрол” порошоги борлигини билиб, 3000 АҚШ долларини қайтариш ҳақида А.га бир неча марта айтган. А. унга пулни қайтариб бермаслигини билиб, уни қасддан

ўлдириш режасини тузган. Режани амалга ошириш мақсадида М.ни жиноятга жалб қилиб, иккиси А.нинг уйига келишган. М. А.га бир ўзи келганлигини айтиб, хонадон эшигини очтиргандан сўнг улар хонага бирга киришган. П. А.дан 3000 АҚШ долларини қайтаришни талаб қилиб, бўйнидан арқон билан бўғиб, пичоқ билан кесиб қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг улар А.га тегишли мулкларни эгаллаб, воқеа жойидан яширинишган.

Суд тиббиёт экспертизаси А.нинг ўлими арқонсимон турдаги жисм билан бўғиб, кесилиши натижасида юзага келган механик асфиксиядан содир бўлганлиги ҳақида хулоса берган.

Иш материалларида М. А.ни ҳаётдан маҳрум қилишда бевосита иштирок этганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаса-да, бироқ суд П. томонидан А.ни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида М.ни бевосита иштирок этган деб нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 29 апрелдаги ажрими билан П. ва М.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, П. ва М.нинг ҳаракатларидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «п» банди чиқарилди.

Назорат иши ЖСХ-50-10

